Бунда ҳар бир аниқ обьект бүйича компонентлар ва асосий қурилиши материаллари номенклатураси обьект қурилиши қийматини 100% ини ташкил қылувчи асосий **нарх шакллантирувчи** компонентларни ҳисобга олган ҳолда таңланади.

Ташкилот раҳбари: _____

Бошлангич баҳоси 6000 БҲМача бўлган объектлар бўйича "Бальний метод" усулида Танлов тақлифларини техник баҳолаши мезонлари

Т/р	Шаклларни баҳолаш параметрининг номи.	Баллар миқдори	Танлов иштирокчилари		
			И	И	И
	I. Курилиш Рейтинги.(10 балл)				
1.	Рейтинг даражаси DD ва ундан юқори	10			
II. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.					
1-шакл (15 балл)					
1.	Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги.	3			
2.	5 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар)	3			
3.	Ишлаб-чикариш техника бўлимида 3 йил иш стажига эга дипломли 1 та мутахассисни мавжудлиги.	3			
4	Доимий равишда ишловчи 5 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги.	3			
5	Ходимларнинг йиллик уртacha сони 5-10 киши(иичи ходимларга ҳисобланган иш ҳақи бўйича тақдим қилинган солик ҳисоботлари асосида охирги жами 12 ойда ҳисобланган иш ҳақи миқдори билан текширилади)	3			
III. Танлов иштирокчисининг молиявий ахволи.					
2 ва 3-шакллар (18 балл)					
1	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп	3			
2.	Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги	3			
3.	Ўтган йилда 20 млн.сўм фойдаси (солик тўлангунга қадар) мавжудлиги	3			
4	Иш ҳақи фонди 20 млн. сўм	3			
5	Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициенти 1,25 ва ундан кўп	3			
6	Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 ва ундан кўп	3			
IV. Танловдаги объектга ўхшашиб объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси.					
4-шакл (15 балл)					

1.	Танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига N (N- Буюртмачи бошлангич нархнинг 50%) сўм ва ундан кўп. (хар бир йил 5 балл билан баҳоланади)	15			
----	--	----	--	--	--

V. Машина ва механизмлар рўйхати, 5-6 шакллар (20 балл)

1.	Курилишни бажариш учун зарур бўлган 1 та дан кам бўлмаган. Кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги (ижара шартнома асосидаги қурилиш техникаларининг баллари 30% камайтирилади)	10			
2	танлов иштирокчисининг жорий даврдаги бошқа(қурилиш шартномалари) объектлари	5			
2.	Курилишни бажариш учун зарур бўлган 5 бирлиқдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларини мавжудлиги	5			

VI.Солиқдан қарзи йўқлиги ва Банкротлик жорий этилмаганилиги тўғрисида маълумотнома .(12 балл)

1.	Солиқлар бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги	5			
2.	Давлат активлари бошкармасининг банкротлик жорий этилмаганилиги бўйича хат.	5			
3.	Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш.	2			

VIII.Офёрта(10 балл)

1.	Ишлаб чиқилган Офёртани тасдиқланган холатда порталга жойлаш.(Оферент томонидан таклиф этилган нархнинг (ҚҚС билан) бошлангич нархдан (ҚҚС билан) баланд эмаслиги ҳамда 95 фоиздан паст бўлмаслиги керак)	10			
----	---	----	--	--	--

**ТАНЛОВ
ҲУЖЖАТИНИНГ
ТЕХНИК ҚИСМИ**

**Qo'shtepa tumani XTB ga qarashli Langar MFY 1-sonli kasb-hunar maktabi hududiga kichik
hajmli futbol maydoni qurish.**

(ОБЪЕКТ НОМИ)

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ТИЖОРАТ ҚИСМИ

I. БУЮРТМАЧИННИГ БОШЛАНҒИЧ НАРХИ

1.1. Буюртмачининг бошланғич нархи Танлов Ахборот Жадвалида (ТАЖ) да кўрсатилган.

II. БУЮРТМАЧИ БЕЛГИЛАГАН ҚУРИЛИШ МОНТАЖ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ МУДДАТИ

2.1. Лойиха смета хужжатларини ишлаб чиқиши бўйича барча ишлар ТАЖда кўрсатилган муддатдан кечиктирилмасдан якунланиши керак.

III. МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАИ

3.1. Объектни молиялаштириш ТАЖда кўрсатилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

IV. МОЛИЯЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИ

4.1. Молиялаштириш шартлари (агар ТАЖда бошқа ҳолат айтилмаган бўлса):

бўнак (аванс) – Танлов натижаларига кўра аниқланган, қурилиш ташкилоти жорий иилидаги ишлар қийматининг 30 фоизи микдорида икки ойда тенг улушларда молиялаштириш;

жорий молиялаштириш ажратилган бўнак, пропорционал ушлаб қолинишини ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 60 фоизи микдорида;

4.2. Тўловлар Буюртмачи томонидан шартнома талабларига биноан амалга оширилади.

4.3. Ишларни бажариш бўйича шартномаси куйидаги тартибот хужжатларига жавоб берishi керак:

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-хуқуқий базаси ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига.

V. ШАРТНОМА ВАЛЮТА ТУРИ

5.1. Агар ТАЖда бошқача қўзда тутилмаган бўлса, шартномасининг валюта тури – **ўзбек сўмида**.

VI. ШАРТНОМА ЛОЙИХАСИ (НАМУНАВИЙ ШАРТНОМАСИ)

Пудрат шартномаси №

ФАРГОНА ШАҲРИ

2022 ЙИЛ “ ”

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган “Капитал қурилиш соҳасидаги буюртмачи хизмати” номидан 24.01.2022 й №21 сонли бош ишончнома асосида бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган маъсулияти чекланган жамияти номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари объектига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Тарифлар

1. Мазкур шартномада куйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро хужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни

бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар; **қурилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади; **вақтинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар; **беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар; **шартнома нархини бўлиб чикиш** – ишларнинг хар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган холда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш (ишлар бажариш ва молиялаштириш жадваллари).

II.Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан _____ объектида лойихада кўзда тутилган ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Фазначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III.Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимида 2022 йил “ ” кунги -сонли электрон баён билан шакилланган ишлар қиймати қўшимча қиймат солиғини ўз ичига олган холда жорий нархларда _____ сўмни ташкил этади. Шундан 2022 йил учун бажариладиган ишлари қиймати қўшимча қиймат солиғини ўз ичига олган холда _____ сўмни, ажратилган маблағ қўшимча қиймат солиғини ўз ичига олган холда _____ сўмни, ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуидаги холлар бундан мустасно:-қурилиш қийматини кўпайтириш енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;-ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV.Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:-барча ишларни мазкур шартномада хамда унга “ ” иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50 % ўз кучлари билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ва унга ҳисоботларни ойма-ой буюртмачига топшириш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ муддатида тутатиб топшириш;-____-иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш; қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;Буюртмачини пудрат шартномалари

тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;-курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;-курилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;-мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;-курилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 % дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши, шунингдек, объектда бажарилган ишлар юзасидан тўлиқ ҳисботларни ва объектни фойдаланишга қабул қилиш ҳақидаги ишчи ҳайъати далолатномасини расмийлаштириб, Буюртмачига тақдим қиласди ҳамда объектни фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V.Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;-Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;-Объект маҳсус ҳисоб варагига маблағлар берилганидан сўнг молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;-мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI.Ишларни бажариш муддатлари

10. Шартнома:-миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;-кейинчалик ЭАВга конвертация қилган холда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – шартнома қонун хужжаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.
12. Курилишнинг давом этиши вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 73 иш кунни ташкил этади.
13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

14. Вилоят Молия бошқармаси томонидан объективнинг вилоят Газначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг Буюртмачи Пудратчига ажратилган маблағ учун бажариладиган ишлар қийматининг 30 фоизи миқдорида, икки ойга тенг улушларга (ойига 15 фоиздан) бўлган холда аванс ўтказади, сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун объектив маҳсус ҳисоб рақамига маблағлар ажратилганидан сўнг ойлик бажарилган ишлар ҳисоб-фактуралари ҳамда молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (1,2 илова).

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, Вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Фазначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 сентябрдаги ПФ-6074-сон Фармонига асосан белгиланган тартибда ажратилган аванснинг мутаносиб равища ушлаб қолинишини ҳисобга олган холда, объектга ажратилган маблағ қиймати учун бажариладиган ишлар жорий қийматининг 90 фоизи микдорида ҳар ойда жорий молиялаштирилади.

17. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб китоб, яъни объектнинг шартномавий жорий қийматининг 10% қурилиш тугалланган обьект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан сўнг, кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин, вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Фазначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг, Пудратчи томонидан обьектнинг фойдаланувчисидан кафолат муддатида обьектда камчиликлар аниқланмаганлиги ҳамда кафолат суммасини тўланишига эътирози йўқлиги хақидаги маълумот тақдим этилганидан кейин амалга оширилади, ушбу хужжатлар Пудратчининг айби билан ўз вактида Буюртмачига тақдим этилмаганлиги сабабли даъво муддати ўтган ёки ажратилган маблағ бюджетта қайтганлиги сабабли тўлов амалга оширилмаган ҳолларда Буюртмачи Пудратчи олдида мулкий ва бошқа тусда жавобгар ҳисобланмайди.

18. Пудратчи обьект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича обьектга мулк хуқукини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар обьектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равища хабардор қилган холда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш хуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII.Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник назоратчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш хуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник назоратчини ишлаши учун жой билан таъминлайди. Техник назоратчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равища қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан обьектда ишларни бажаришни мустақил равища ташкил этади.

24. Пудратчи обьектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-курилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан обьектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

27. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

28. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтингча улашни ва улаш нүкталарида янгидан күрилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.
29. Пудратчи ўзи томонидан курилишда қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларига мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.
30. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб, уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қиласди.
31. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.
32. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдифисиз бажарилган бўлса ёки у бу хақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишига, сўнгра эса уни тиқлашга мажбурдир.
- Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишиларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса ва уларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.
33. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганини аниқласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда ўз ҳисобидан қайта бажаришга мажбурдир.
- Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.
34. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга тулаш кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради, озода сақлайди, курилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқарип ташлайди.
35. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган холлар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб бермаслиги билан боғлик тўхтаб қолишилар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қиласди. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишида кўрсатилган камчиликларни учун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX.Ишларни қўриқлаш.

36. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунгача ва қурилиши тугалланган обьект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш худудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.
37. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк обьект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X.Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

38. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсири этса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал қилган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб рационаллаштирилади.

39. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

40. Агар томонлар икки ой ичидаги келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга хақлидир.

XI.Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

41. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартиби мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан, яъни Пудратчи объектни фойдаланишга қабул қилиш ҳақидаги ишчи ҳайъати далолатномасини расмийлаштириб, Буюртмачига тақдим қилгандан сўнг амалга оширилади.

42. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

43. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма рационаллаштирилади.

44. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади фойдаланувчига 1-ой муддат ичидаги топширилиши шарт.

XII.Кафолатлар

45. Пудратчи: -барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;-лойиха хужжатларига ҳамда қурилиш меъёллари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажарилишини таъминлаши лозим;-ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларига кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;-ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;-объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

46. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида _1_ йил этиб белгиланади.

47. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у холда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига рационаллаштирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичидаги бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш хуқуқига эга.

48. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиши «Давархитектқурилишназорат» органлари

томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII.Шартномани бекор қилиш

49. Буюртмачи:-шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра, Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;-ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

50. Пудратчи:ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра, Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

51. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

52. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

53. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

54. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

XIV.Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

55. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

56.Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, объект ҳисоб рақамига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирумaganлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди. Вилоят молия бошқармасидан объектнинг Газначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ берилмаганлиги сабабли, тўловни амалга оширганлиги учун Буюртмачи Пудратчи олдида мулкий жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

57.Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, буюртмачининг мажбуриятлари қуидаги холларда бекор бўлади, агар давлат органининг хужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

58. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

59. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган

қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеняниңг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняниңг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни коплашдан озод қилмайди.

60. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у холда Буюртмачи «Давархитекткурилишназорат» инспекциясининг хulosаси асосида обьектни қабул қилиш ва унинг учун хақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 100 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

61. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплади.

62. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар

63. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик;
- шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян ҳаракатларни бажармаслиги шарт;
- томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;
- агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳатти-ҳаракатлари, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги ҳақида алоқа каналларига мурожаат қилиши мумкин.

XVI. Низоларни ҳал қилиш

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда Фарғона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XVII. Алоҳида шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартиш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришилар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.
69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишларни яқунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хақ тўлашни кечикиришга хақлидир.
70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.
71. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди ва Ғазначилик бошқармасидан руйхатдан ўтгандан сўнг юридик кучга эга хисобланади хамда 2022 йил декабргача амалда бўлади.

Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“Пудратчи”

“Буюртмачи”

“Капитал қурилиш соҳасидаги буюртмачи хизмати”

Манзил: Фарғона ш. Темирйулчилар кўчаси 37-үй

Тел.: 0-373-244-55-61

шҳр:

СТИР: 204 816 336

ОКОНХ 42210

ҲР: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Универсал банк АТБ Фарғона филиали

— — — — —

Хукуқий хуроса.

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий хужжатларга асосланган холда тўғри тузилган. Пудратчи раҳбари шартномани имзолаш хукуқига эга эканлигини ва банқдаги реквизитлар тўғрилигини ва шартнома лойиҳасининг қонунчилик хужжатларига мос келишилигини аниқладим.. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Юрист _____